

ЭРАСМУС+ NICORA лойиҳаси доирасида берлин техника университетидида тренинг ўтказилди

Бугунги кунда ТИҚХММИда профессор-ўқитувчилар томонидан қишлоқ хўжалигига рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича Эрасмус+ дастурининг “NICORA: Аниқ (координатали) қишлоқ хўжалиги учун янги ва инновацион курслар” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа 2018-2021 йиллар давомида амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирда лойиҳага оид ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. NICORA лойиҳаси қишлоқ хўжалигида илфोर технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув дастурларини модернизатсия қилишга қаратилган. Бу ўқув курслари географик ахборот тизимлари, катта маълумотлар билан ишлаш, масофадан зондлаш технологияларини ўз ичига олади. Шунингдек, ўқув курсларида янги ва инновацион таълим дастурларини ишлаб чиқиш орқали олий таълим сифатини ошириш ва бугунги меҳнат бозори ҳамда жамият учун катта аҳамият касб этадиган олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг билим ва кўникмалари даражасини оширишга хизмат қилади.



Лойиҳа ташаббускорлари бу борада бир қанча хорижий университетлар билан ҳамкорликда илмий ишларни амалга оширишмоқда. Хусусан, лойиҳа доирасида жорий йил 19-30 август кунлари [Berlin Texnika Universiteti](#)да лойиҳанинг барча қатнашувчилари ва ҳамкорлари иштирокида тренинг ташкил қилинди ва институтимизнинг профессор-ўқитувчилари, жумладан лойиҳа координатори ва аъзолари мазкур тренингда фаол қатнашиб келишди.

Тренинг давомида қуйидаги йўналишларда маърузалар тингланди ва ўзаро тажриба алмашилди:

- GIS Internet, Mobile, and Distributed GIS), (GIS Advanced Methods for Geospatial Analysis);
- Deep learning in Computer vision;
- GIS Data processing and adjustment, Spatial databases and Infrastructures;
- Using of SENTINEL1-2-3 imagery;
- Space Geodetic Techniques;
- Remote sensing and Space Sensor Systems;
- Global Navigation Satellite Systems (NAVSTAR, GLONASS, GALILEO and etc.);
- Soft skills for Engineers, Start-up initiatives for future farmers;
- Management Marketing and Decision Making in PA;
- Big Data for PA;
- Precision Agriculture – characteristics, technologies, economic efficiency, optimal use of resources.



Мазкур курслар асосида олинандиган назарий ва амалий билимдар ҳозирги кунда долзарб муаммоларни ечишда, жумладан қишлоқ хўжалиги соҳасида ақлли тизимларни яратиш, сунъий йўлдошдан олинандиган маълумотлар асосида ҳудудни комплекс мониторинг қилиш, масофадан зондлаш ва сенсорлар технологияси ёрдамида ернинг ҳосилдорлигини аниқлаш ва ошириш каби муаммоларни ечишга хизмат қилиши мумкин. Тренингда барча иштирокчилар “Precision Agriculture” йўналиши бўйича сертификатлар билан тақдирланган.

Ердан фойдаланиш кафедраси таянч докторанти Илҳом Абдурахманов ахбороти